



NAVOIY VILOYATI NUROTA TUMANI HOKIMI QARORI

210700, Nurota t., Islom Karimov sh. k 48, tel: (79)523-13-42, nurota@nv.uz

2021 - yil 6 - sentabr

56-5-74-Q/21

Nurota tumani hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги "Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6275-сон фармони ҳамда вилоят ҳокимининг 2021 йил 16 августдаги 40-5-0-Q/21-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида ижросини таъминлаш тўғрисида

Болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш, болалар орасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг барвақт олдини олиш, ногиронлиги бўлган болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича кенг жамоатчилик билан ўтказилган муҳокама натижалари, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясида белгиланган вазифалари ижросини таъминлаш мақсадида "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги "Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6275-сон фармони ҳамда вилоят ҳокимининг 2021 йил 16 августдаги 40-5-0-Q/21-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вояга етмаганлар ишлари бўйича туман идоралараро комиссияси, тегишлича Болалар масалалари бўйича (кейинги ўринларда - ҳудудий комиссия) этиб қайта ташкил қилинсин.

Қўйидагилар **комиссиянинг асосий вазифалари** этиб белгилансин:

Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, унинг соғлом турмуш тарзини таъминлаш;

болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камолтопишига қўмаклашиш;

боланинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлишининг олдини олиш чораларини кўриш;

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ишлаб чиқилишини ҳамда амалга оширилишини, шунингдек, уларнинг ижроси устидан назоратни ташкил этиш;

болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида

кўрилатган чораларни баҳолаш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини ошириш;

тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда уларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш йўли билан бартараф этиш;

болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид маълумотни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда тегишли органлар ва муассасалар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида улардан фойдаланиш;

давлат органлари ва ташкилотларнинг, шунингдек, ҳудудий комиссияларнинг болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш.

Белгилаб қўйилсинки, ҳудудий комиссия ўзининг ваколати доирасига кирувчи масалалар юзасидан ўз фаолиятини ташкил этишда тегишли давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

3. Болалар масалалари бўйича туман комиссиясининг таркиби 1-иловага мувофиқ;

Туман ҳокимлиги болаларни ҳимоя қилиш шўъбасининг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. 2021 йил 1 сентябрдан туман ҳокимлиги ҳузуридаги амалдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича туман идоралараро комиссия котиби ҳамда туман Халқ таълими бўлимидаги болаларни ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш бўйича мутахассис лавозимларини мақбуллаштириш ҳисобига болаларни ҳимоя қилиш масалалари шўъбаси ташкил этилсин ва фаолияти йўлга қўйилсин.

Белгилаб қўйилсинки, болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти туман комиссиясининг ишчи органи вазифасини бажаради.

5. Белгилансинки:

- туман ҳокимлигининг болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва соғиқни сақлаш масалалари котибияти томонидан мувофиқлаштирилади;

- туман ҳокимлигининг болаларни ҳимоя қилиш шўъбалари бошлиқлари Вазирлар Маҳкамасининг таълим ва соғиқни сақлаш масалалари котибияти билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

- Вазирлар Маҳкамаси котибиятининг ҳудудий тузилмаларига ишга, қоида тариқасида, биринчи навбатда "психология", "юриспруденция" ва "ижтимоий иш" соҳалари бўйича олий маълумотга эга бўлган фуқаролар қабул қилинади.

6. Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Болаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавиятини юксалтириш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида қуйидагиларга:

Туман ҳокимлигига - ҳудудларда болалар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, турар жойга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган етим болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, улар тоифасига кирадиган 18 ёшдан 23 ёшгача бўлган шахсларни ўз вақтида турар жойлар билан таъминлаш учун;

Миллий гвардия Навоий вилояти қўриқлаш бошқармаси, Нурота туман қўриқлаш

бўлими бошлиғи С.Саноевга -болалар, айниқса ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ўртасида ватанпарварлик йўналишидаги маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни ўтказиш, болалар спорт турларини ривожлантириш ва уларни жалб этиш чораларини кўриш учун;

Туман ички ишлар бўлими бошлиғи У.Б.Шукуровга – болалар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш учун;

Туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Ш.Халиловга – спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилаётган болаларни ташхислаш, даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш, устувор равишда болаларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш учун;

Туман халқ таълими бўлими бошлиғи Б.Бобоназаровга - ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган, шунингдек, таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз қатнашмаётган болаларнинг ҳисобини юритиш, бундай ҳолатларни бартараф этиш, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни инклюзив таълимга жалб қилиш чораларини кўриш, мазкур масалалар бўйича мунтазам равишда туман комиссиясига ахборот киритиш учун;

Туман Мактабгача таълим бўлими бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи Ж.Бобоқандовга - мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар томонлама камол топишига муносиб шарт-шароитлар яратиш, уларни мактабгача таълим билан босқичма-босқич тўлиқ қамраб олиш, оилага тарбияга олинган болалар ва ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар болаларига белгиланган имтиёзлар асосида таълим олишини ҳамда янги имтиёзлар яратилишини таъминлаш учун;

Туман Маданият бўлими бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи Л.Аллаёрова болаларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва кенгайтириш, уларнинг индивидуал хусусиятларини ривожлантириш, салоҳиятини ошириш ва истеъдодини тўла намоён этиш чораларини кўриш учун;

Туман туризми ва спорт бўлими бошлиғи У.Қаххоровга - болаларни спорт билан мунтазам равишда шуғулланишга жалб этиш, болалар спорт таълими сифатини ошириш, барча минтақаларда, айниқса, қишлоқ ва чекка ҳудудларда болалар спорти объектлари тармоғини кенгайтириш орқали болалар спортини янада ривожлантириш учун;

Туман бандликка кўмаклашиш маркази бошлиғи И.Амоновга - болаларни, айниқса олий таълим муассасаларига ўқишга кира олмаган ҳамда касб эгаллаш истагини билдирган умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларини меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарга ўқитишни ташкил этиш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

8. Туман ҳокимининг 2021 йил 12 майдаги “Нурота туман ҳокимлиги бошқарув аппаратининг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги Қ-387-сон қарорининг иловаси 4-иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

9. Туман “Нурнома” газетаси (Л.Бозоров)га, мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини ва амалий аҳамиятини кенг ёритиш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб туман ҳокимининг ўринбосари Ш.Вафоев белгилансин ҳамда амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан вилоят ҳокимига ҳар чорақда ахборот бериб бориш топширилсин.

11. Мазкур қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Tuman hokimi



У.Халилов

Нурота туман ҳокимининг
2021 йил 6 сентябрдаги
56-5-74-Q/21-сон қарорига
1-илова

Болалар масалалари бўйича Нурота туман комиссиясининг таркиби

Т/р	Ф.И.Ш	Лавозими
1.	У.Халилов	туман ҳокими, Комиссия раиси
2.	Ф.Имомов	туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, Комиссия раиси ўринбосари
3.	М.Ҳақимов	туман прокурорининг 1-ўринбосари
4.	У.Усмонов	Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими бошлиғи
5.	Б.Бобоназаров	туман Халқ таълими бўлими бошлиғи
6.	Ж.Бобоқандов	туман Мактабгача таълим бўлими бошлиғи
7.	И.Амонов	туман Бандликка қўмаклашиш маркази директори
8.	Ш.Халилов	туман Тиббийёт бирлашмаси бошлиғи
9.	Л.Аллаёрова	туман Маданият бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи
10.	У.Қаххоров	туман туризм ва спорт бўлими бошлиғи
11.	С.Ҳайдаров	туман Молия бўлими бошлиғи
12.	А.Шокиров	туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи
13.	Ў.Каримов	Республика Маънавият ва маърифат туман бўлинмаси раҳбари
14.	О.Атоев	туман бош имом хатиби
15.	Лавозимига кўра	туман ҳокимлиги Болаларни ҳимоя қилиш шўъбаси мудири, комиссия котиби

Нурота туман ҳокимининг
2021 йил 6 сентябрдаги
56-5-74-Q/21-сон қарорига
2-илова

Нурота туман ҳокимининг
2021 йил 6 сентябрдаги
56-5-74-Q/21-сон қарорига
3-илова


Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича

ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
II. Бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар				
1	Туман ҳокимлигидаги Болаларни ҳимоя қилиш масалалари шўъбаси фаолиятини ташкил қилиш.	Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятлари ва шўъбаларини зарур хона ва жиҳозлар билан таъминлаш; котибият ва шўъбаларнинг фаолиятини тартибга солувчи низомни тасдиқлаш.	2021 йил 1 октябрь	Туман ҳокимлиги
2	Ногиронлиги бўлган болалар оилага тарбияга олинганда уларни патронаж билан қамраб олиш ва зарур тиббий-ижтимоий хизматлар курсатиш механизмларини такомиллаштириш.	Оилага тарбияга олинган ногиронлиги бўлган болаларни тиббий куриқдан ўтказиб, улар даволанадиган тиббиёт муассасалари рўйхатини шакллантириш ва даволаш ҳаражатлари микдорини аниқлаш; "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва ҳомийлар ҳисобидан зарур маблағларни ажратиш; Болаларни даволаш бўйича амалий чораларни кўриш.	2021 йил 1 сентябрь 2021 йил 1 сентябрь 2021 йил октябрдан бошлаб доимий	Туман тиббиёт бирлашмаси (Ш.Халилов) Туман ҳокимлиги Туман қасаба уюшмалари, туман ҳокимлиги туман тиббиёт бирлашмаси (Ш.Халилов) туман қасаба уюшмалари, туман ҳокимлиги

Нурота туман ҳокимининг
2021 йил 6 сентябрдаги
56-5-74-Q/21-сон қарорига
4-илова

**Нурота туман ҳокимлиги бошқарув апаратининг таркибий
ТУЗИЛМАСИ**



*Туман ҳокимлиги апарати штат бирликлари сонига қўшилмайди.

Бошқарув ходимларининг чекланган сони – 24 нафар